

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИМКОНияТЛАРИ, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўгли, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 ЙИЛЛАР).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТўҒРИСИДА.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Раззокова Гўзал Қодировна,
Жиззах Давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси

ХОРАЗМ ХАЛФАЧИЛИГИ

For citation: Guzal K. Razzakova. Calvage of Khorezm. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 81-84



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада "халфа" сўзининг луғавий маъноси, халфачилик анъаналари хусусиятлари, Хоразм дostonчилиқ анъаналарига оид кузатишлар, халфа сўзининг тарихий илдишлари ва диний халфалар илмий ўрганилган.

Калит сўзлар: халфа, қироатхон - қиссахон, диний урф-одатлар, рисолаи руҳнома, лазги, соз, гармон, "қўшиқчи аёл".

Раззакова Гузаль Кадыровна,

Джизакский государственный педагогический институт
старший преподаватель

КАЛЬФАЧЕСТВО ХОРЕЗМА

АННОТАЦИЯ

В этой статье исследуется лингвистическое значение слова "халфа", особенности традиции Халифы, наблюдения за хорезмской поэтической традицией, исторические корни слова халфа и религиозные учения.

Ключевые слова: халфа, читательское повествование, религиозный ритуал, брошюра, тетрадь, музыка, гармоника, "певица".

Guzal K. Razzakova,

Jizzakh State Pedagogical Institute
Senior Lecturer

CALVAGE OF KHOREZM

ANNOTATION

This article explores the linguistic meaning of the word "halfa", especially the calf tradition, observations of the Khorezm poetic tradition, the historical roots of the word halfa and religious scholars.

Key words: calf, reader's narrative, religious ritual, brochure, notebook, music, harmonica, "singer".

Хоразмда кенг тарқалган халфачилик анъаналари хусусиятларини ёритувчи махсус илмий тадқиқот ханузгача амалга оширилгани йўқ. Фақат Ҳ.Т.Зарифов, Ж.Қобулнязов, М.Саидов каби фольклоршунослар бу ҳусусда айрим фикрларни билдирганлар [6]. Шунингдек, профессор С.Рўзимбоевнинг халфачилик анъаналари ва уларнинг дostonчилик анъаналарига оид кузатишларни бу борадаги дастлабки қадам деб баҳолаш мумкин [4]. Лекин буларнинг бирортасида ҳам "халфа" сўзининг ўзига хос ижрочилик анъанаси сифатидаги маъноси қандай ва қачон пайдо бўлганлиги ва шу жараённинг тарихий-бадий эволюцияси масаласи ёритиб берилмайди. Масаланинг бу томонини ойдинлаштирмай, дoston ижрочилигини тўла тасаввур қилиб бўлмайди.

"Халфа" (арабча-) сўзининг луғавий маъноси "эргашмоқ", "ўрнини босмоқ", "ўриносар", "давомчи", "ноиб" демакдир [1].

Халфа сўзининг тарихий илдишлари қадимий зардуштийлик ва Муҳаммад пайғамбар асос солган (VII) аср мусулмон феодал давлат-халифаликка бориб тақалаётгандек. Профессор М.Саидовнинг ёзишича, Ҳазрати Алининг қахрамона саргузаштларига бағишланган бир туркум дostonлар араб тилидан туркий тилларга таржима қилинган. Бизгача бу дostonлар бир қанча вариантларда етиб келган [3].

Араблар ислом ақидаларини тарғиб қилиш воситаси сифатида диний дostonлардан ҳам фойдаланишган. Бадий дostonлар ўша даврларда қиссахонлар томонидан катта халқ йиғинларида ўқилган. Аста-секинлик билан оилавий маросимларда ҳам дostonларни ўқиш расм бўлдида, саводхон аёллар ўз йиғинларида ёддан ёки китобдан ўқий бошлаганлар. Шу тариқа дostonларнинг қироатхон-қиссахон халфалар томонидан ижрочилиги юзага келган. Холбуки, дostonларнинг қироатхон-қиссахонлар томонидан ижро қилинишига исломгача бўлган даврларда замин тайёрланган эди. "Авесто"даги ижро қилишда қатнашган аёллар ижрочилиги шаклланиши ва кейинги тараққиётига омил вазифасини ўтаган дейиш мумкин.

Қироатхон-қиссахон халфалар аъза ва маъракаларда ибратли хадисларни, диний урф-одатларни халққа яқин тилда етказишга оммавий шаклда тушунтирганлар.

Қорақолпоғистон Республикаси Беруний туманида истиқомат қилувчи диний халфа Клара Курбонбоева билан бўлган суҳбатда шундай дейдилар. "Аъзаларда, дафн маросимида "Рисолаи руҳнома", "Охират озиғи" китобларидан ўқилиб, одамларни сабр-бардошли, меҳр оқибатли ва бошқа инсоний фазилатлари бўлишга чақиришади.

Шунингдек, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар, ахлоқ-одоб масалаларига доир мулоҳазалар, насиҳатлар ҳам тилга олинади.

Дафн маросимларда иштирок этувчи халқалар асосан Хоразм воҳасида кенг тарқалган бўлиб, улар тазия бўлган хонадонда марҳум чиқиб кетгандан кейин

учдан то етгисигача диний китоблардан ўқилиб шу хонадон эгаларини сабр бардошли бўлишга ундайди.

Ислон таълимотида бизга маълумки, инсон бу дунёни тарк этгандан кейин, унинг орқасидан келган яқинлари дод вой солиб, ҳам-андухга тушиш мумкин эмас, чунки булар динда ман қилинган. Агарда бу кўрсаткич қоидаларга амал қилинмаса, бу дунёдан ўтган одам у дунёда руҳи азобланади деган фикрлар диний китобларда кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари қироатхон-қиссахон халфалар мавлуд маросимларида ҳам иштирок этадилар.

Мусулмонларнинг эътиқодига кўра, Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган куни мавлид маросими сифатида нишонланади. Шу сабабдан, бу кунни "мавлид" (арабча "мавлид" - туғилиш), ёки "мавлид ан-набий" (пайғамбар мавлиди), ёки "мавлид ош шариф (қутлуғ мавлид)" деб атайдилар. Мавлид маросимида ҳам маълум тарихий ижтимоий воқелик акс этган.

Халфалар фақат қадимий маросим ва ибодат йўлларинигина эмас, балки энг қадимий "лазги" йўлларини ҳам кейинги авлодга етказишда катта роль ўйнаганлар.

Тупроққалъани текширган қадимшунос Р.С.Содиқовнинг ёзишича "рақсга тушаётган аёллар тасвирланган лавҳаларда қачонлардир йўқолиб кетган анъанавий "лазги" рақсининг асосий усуллари ўз ифодасини топган [5].

Халфалар репертуаридаги янги қўшиқларни ўрганган Н.Сабуров халфалари ижрочилик санъатига қараб икки гуруҳга: санъаткор-ашулачи халфалар ва қироатхон-қиссахон халфаларга бўлса, проф.С.Рўзиев уч гуруҳга: ижодкор, дostonчи халфалар, ижрочи созанда халфалар; қироатхон-қиссахон халфаларга бўлади. кейинги тасниф бирмунча асослироқ бўлиб, Хоним сувчи, ожиза, Анаш халфалар ижодкор дostonчи халфалар ҳисобланади. Улар "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Ошиқ Нажаб" каби дostonларни ёддан билганлар.

Иккинчи ва учинчи гуруҳларга мансуб халфалар яъни ижрочи созанда халфалар ва қироатхон - қиссахон халфалар устоз-шоғирдлик анъаналарини давом эттирмоқдалар. Бундай анъана фақат Хоразм воҳасигагина хос бўлиб, Республикамизнинг бошқа вилоятларида учрамайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб гармоннинг кириб келиши муносабати билан қўшиқлар гармон жўрлигида ижро этила бошлаган. Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Хўжа Гармон, Шерозий Қурбон ота Исмоилов каби гармончи созандалар номи халқ орасида кенг ёйила бошлайди. Гармон чолғуси "соз" деб ҳам юритилган. Кейинчалик гармон чолғучи дутор ва танбур қаторида миллий чолғулар ансамблидан ҳам ўрин олган. Айни пайтда гармоннинг халфалар томонидан қўлланила бошланиши улар санъатининг янги кўринишда ривожланишига муҳим замин бўлди. Айниқса, кўзи ожизлар соз тугмачаларини бармоқлари билан ҳис этиб беҳато топа билишлари ва шу тарзда чалишлари қулай бўлганлиги сабабли гармонни маъқул топганлар. Авваллари пиёлаларни жаранглатиб ёки дутор билан ашула айтишга бўлсада, бироқ уларни "халфа" демай, балки "қўшиқчи аёл" деб юритишган. Гармоннинг кириб келиши билан бундай қўшиқчи аёллар санъатига нисбатан "халфа" номи берилган экан. Онажон халфа Собирова, Онабиби Қори ва бошқалар айни чоғда моҳир гармончилар бўлиб ҳам етишганлар. Булар ижрочи созанда халфалар таркибига кирганлар.

Булардан фарқли бўлган якка халфалар дoston ва қўшиқларни бирон чолғусиз ижро этадилар. Улар дostonларни ёддан, баъзан эса китоб ёки қўлёзмага қараб

ёқимли оҳангда "ўқиш" ҳамда "Ёр-ёр", "Келин салом", "Муборак" каби тўй қўшиқларини маромига етказиб ижро этишлари билан хотин-қизлар даврасида шуҳрат қозонганлар.

Шунингдек, халфалар орасида саҳна санъаткорлари етишиб чиққанлиги ҳам мутахассисларга яхши маълум.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халфачилик санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг негизида кенг маънода бахшичилик санъати мужассамлашган [2].

Шунингдек, халқ достонлари мактаби ҳам ана шу санъатга дахлдордир. Ҳозирги кунда ҳам Хоразм воҳасида кўплаб халфалар ижод қилмоқда. Улар турли мавзуларда қўшиқлар куйлаб, қўҳна миллий қадриятларимизни сақлаш баробарида маънавий ҳаётимизнинг янада юксалишига муносиб хисса қўшмоқда. Демак, аجدодлардан бизгача етиб келган ушбу меросни келажак авлод учун ҳам асраб-авайлашимиз даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арабско-русский словарь. - М., Гос. Изд. Национальный словарь, 1858 (Arabic-Russian dictionary. - M., State. Publishing House of National Dictionaries, 1858).
2. Раззокова Г. Хоразм халфачилиги // Тафаккур, 2008. 2 (38) Razzakova G. Khorezm Khalifes // Tafakkur, 2008. 2 (38)..
3. Саидов М. Ўзбек давлатчилигида бадий маҳорат. -Тошкент: Ёзувчи, 1992 (Saidov M. Artistic skills in Uzbek statehood. - Tashkent: Writer, 1992.).
4. Рўзимбоев С. Хоразм халқ достонларининг спецификацияси, поэтикаси. Док.дисс. (Ruzimbоеv S. Specificity and Poetics of Khorezm Folk Epics. Dok.diss.)
5. Собиров С. Хоразмнинг "лазги"си. // Ёшлик, 1990. №4 (Sobirov S. Khorezm "Lazgi". // Yoshlik, 1990. No. 4.).
6. Хоразм халқ қўшиқлари. -Тошкент, 1965 (Khorezm folk songs. - Tashkent, 1965).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000